Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 166 (6. 955) 1989 йил 20 июль, пайшанба Баҳоси 3 тийин



## СССР Олий Советининг биринчи сессиясида

19 июль куни эрталаб соат 10 да Кремлда СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирди.

Раислик қилувчи М. С. Горбачев палаталарнинг қўшма мажлисини оча туриб, кун тартибида СССР халқ депутатларининг съезди СССР Олий Советига юклаган топшириқларни бажаришга оид ишларни ташкил этиш тўғрисидаги масала борлигини айтди.

Олий Советда Кузбасс ва Донбассда вужудга келган ҳозирги конкрет сиёсий вазият тўғрисида гаплашиб олиш керак, деб таъкидлади раислик қилувчи. Ана шу регионлардаги аҳвол мураккаб бўлиб, бугунги кунда ҳам ҳамон кескин бўлиб турибди, деди у.

Кун тартибидаги масала юзасидан СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов сўзга чиқди. (А. И. Лукьяновнинг доклади марказий матбуотда эълон қилинган).

СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

# КПСС Марказий Комитетида кенгаш

18 июль куни КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарларининг кенгаши бўлди, кенгашда қайта қуриш шароитида партия ишининг баъзи масалалари кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев кенгашда доклад қилди. [Доклад матни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган].

Муҳокама қилинган масала юзасидан Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян, КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. М. Масалиев, Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари А. С. Мякота, Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров, Украина Компартияси Ивано-Франковск область комитетининг биринчи секретари И. Г. Посторонко, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Назарбоев, КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари Л. Ф. Бобикин, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вяляс, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, КПСС Белгород область комитетининг биринчи секретари А. Ф. Пономарев, Украина Компартияси Львов область комитетининг биринчи секретари Я. П. Погребняк, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-Р. Х. Везиров, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Липецк область комитетининг биринчи секретари Ю. А. Манаенков, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-М. К. Бразаускас, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари Б. М. Володин, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари Қ. Салиқов, РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси В. И. Воротников, КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари Н. И. Мальков, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. М. Маҳкамов, Қозоғистон Компартияси Чимкент область комитетининг биринчи секретари В. Б. Темирбаев, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Я. Вагрис сўзга чиқдилар.

М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Кенгашда аҳолининг кам таъминланган табақалари учун пенсияларни ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни пул билан таъминлашга партия взносларидан 500 миллион сўмни СССР давлат бюджетига ўтказиш тўғрисидаги таклиф якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Кенгаш ишида В. П. Никонов, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. И. Лукьянов, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов ўртоқлар қатнашдилар.

Кенгашда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, партия нашрларининг муҳаррирлари, ҳарбий округлар сиёсий бошқармаларининг бошлиқлари, КПСС Марказий Комитети аппаратининг масъул ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Кенгашнинг иши тўғрисидаги ҳисобот марказий ва республика газеталарида эълон қилинади.

(ТАСС).

*Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг III пленуми*

# Ҳуқуқ-тартибот ва интизомни мустаҳкамлайлик

Илгари хабар қилинганидек, 15 июль куни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг III пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Б. Ф. Сатин** «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш соҳасида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Мамлакат ўз тарихининг жуда мураккаб ва масъулиятли даврларидан бирини бошидан кечирмоқдаки, бу давр унинг бундан буёнги тараққиёти учун бурилиш аҳамиятига эгадир, деди докладчи. СССР халқ депутатлари биринчи съездининг ишида шу босқичнинг хусусияти ўзининг тўла-тўкис ифодасини топди. Съездда намоён бўлган баъзи жараёнларнинг мураккаблигига, ҳатто хилма-хиллигига қарамай, уни ҳақли равишда давлатимизни ижтимоий-сиёсий ривожлантириш йўлидаги янги катта босқич деб эътироф этиш керак.

Депутатлар съездда сўзга чиқиб, ҳозирги пайтда ҳар бир совет кишисини қизиқтираётган муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун минбарга кўтарилдилар. Улар барча регионларда, жамият турмушининг ҳамма соҳаларида тўпланиб қолган кўпдан-кўп муаммолар ҳақида ачиниб гапирдилар. Кўпгина депутатлар ғоят муҳим муаммолар орасида мамлакатда жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш зарурлиги муаммосини ҳам айтиб ўтдилар. М. С. Горбачев ўз докладида таъкидлаганидек, бу вазифа «жиноятлар сони, шу жумладан порага сотилиш, мафия, таъмагирлик, порахўрлик каби хатарли жиноятлар кўпайиб бораётганлиги муносабати билан алоҳида муҳим аҳамият касб этди. Одамларнинг нормал турмуш, меҳнат, дам олиш шароитларига путур етказувчи безориликка қарши кураш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда».

Одамлар табиий равишда ташвишланиб, шундай шароитда ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари нима қилишмоқчи, деб савол бермоқдалар, дарҳол тартиб ўрнатишни талаб қилмоқдалар.

Ташвишланиш учун асослар етиб-ортади. Шаҳардаги оператив вазият ниҳоятда чигаллашди, жиноятчиликнинг ўсиш тенденцияси қайд этилмоқда.

1988 йил Тошкентда 19 мингта жиноят қайд этилган эди, бу эса 1987 йилги даражадан 5,6 фоиз кўпдир. Шу йилнинг биринчи ярмида жиноятлар сони энди 23,7 фоиз кўпайди. Республикадаги барча жиноятларнинг 28 фоизидан ортиғи Тошкентда содир этилмоқда.

Гражданларнинг ҳаёти ва соғлиғига, умуман шахсий хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг кескин ўсиши алоҳида хавф-хатар туғдирмоқда. Ярим йил мобайнида оғир тан жароҳатлари етказиш ҳоллари 80,4 фоиз, талончилик ёки босқинчилик 85,7 фоиз, қотилликлар салкам бир ярим баравар, номусга тегиш ҳоллари учдан бир ҳисса, давлат мулки ва шахсий мол-мулкни ўғирлаш 40 фоиздан зиёд кўпайди.

Ниҳоятда сурбетлик, шафқатсизлик, уюшганлик кўпгина жиноятларга хос хусусиятлардир. Жамоат жойларида, кўчаларда тажовузларнинг кўпайганлиги социал кескинликни кучайтирмоқда. Жамоат транспортида, гавжум магазинларда киссавурлар, ангишваначи муттаҳамлар, қиморвозлар кўпайиб кетганлиги одамларни ҳаққоний равишда ғазаблантирмоқда. Автомашиналарни олиб қочиш, уларни «яланғочлаш» автомобиль эгаларининг бошига битган балодир.

Аҳоли ёппасига пулдан, тарозидан уриб қолиш, ошкора чайқовчилик ҳолларидан дарғазаб бўлмоқда. Ўғирлаш, таъмагирлик айрим ҳоллар эмас, балки ҳодисага айланиб қолди. Партия, совет, давлат, хўжалик органлари шундай вазиятдан келиб чиқиб лоқайд қола олмасликлари шубҳасиз. Бунда қатъий чоралар кўриш талаб этилади. Ишларнинг аҳволига партиявий, принципиал баҳо бериш ва аниқ-равшан йўлларни белгилаб олиш зарур. Шу боисдан шаҳар партия комитети бюроси ушбу масалани пленумда муҳокама қилишни таклиф этади.

Жиноятчиликнинг сабаблари нимада? У қаердан келиб чиқмоқда? Жиноятчиликнинг манбалари ва илдизлари қаерда? Ана шу саволларни таҳлил этмай туриб, жиноятчиликка қарши курашиб бўлмайди.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, жиноятчиларнинг 90 фоизидан кўпроғи Тошкент шаҳрида яшовчилар, шуларнинг 60 фоизи саноат корхоналарининг ходимлари, яна 20 фоизи бошқа меҳнат коллективларида ишловчи кишилардир. Бошқача қилиб айтганда улар бизнинг ёнимизда, минглаб кишилик коллективларнинг кўз ўнгида дунёга келишган, ўқишган, яшашган, ишлашган кимсалардир.

Шу ярим йилликнинг ўзидагина 600 жиноятчи шаҳардаги ўқув юртларида «тарбияланган». Шулардан 242 нафари мактаб ўқувчиларидир, ҳар бир мактабга деярли биттадан тўғри келади. Улар ўқитувчиларнинг, ота-оналарнинг, комсомолнинг кўз ўнгида «ўсишган».

Хўш, гап нимада ўзи?

Содир этилган ва фош қилинган жиноятлар таҳлил этилганида шундай жиноятларни амалга оширишга ва уларнинг ўсишига имкон берувчи кўпдан-кўп сабаблар аниқланади.

Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар туфайли мутлақо янги омиллар, янги замин пайдо бўлди, албатта. Демократиялаш, инсонпарварлашнинг, иқтисодий мустақилликнинг ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг ижобий кўринишлари билан бир қаторда қуюшқондан чиқиш, маънавий негизларнинг пасайиши, қонундан қўрқмаслик ва уни тўғридан-тўғри ҳурмат қилмаслик каби ҳоллар юзага келди.

Бундай вазиятда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бошқача ишлашлари, қонунлар ҳам ўзгача бўлиши кераклиги мутлақо равшандир. Бироқ фақат маъмурий органлар ёрдамидагина тартиб ўрнатиш мумкин, деб ўйлаш хато бўлур эди ва бу нарса аҳволни баттар чигаллаштириб юбориши мумкин. Ахир милиция содир бўлган воқеани бостирадигина, холос.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари ва уларнинг раҳбарлари жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига, тарбиявий ишга эътиборни анча сусайтириб қўйганликлари шу сабабларнинг асосийсидир. Кейинги вақтларда жиноятчилик кўринишларига нисбатан қандайдир тушуниб бўлмайдиган лоқайдлик, либералчилик ва эътиборсизлик вазияти вужудга келди. Бунинг ёмон оқибатлари дарҳол салбий натижалар берди.

Биз биргаликдаги ишимизнинг ўтмиш босқичларини танқид қилишимиз мумкин. Лекин бу ишда ижобий жиҳатлар ҳам бўлган эдику. Келинг, ўтмишдан баъзи нарсаларни эсга олайлик. Тарбиявий иш савиясининг пастлиги ва ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларининг ҳар бири учун коллективда қатъий партиявий баҳо берилар, раҳбарга, цех бошлиғига, мастерга, район ички ишлар бўлими бошлиғи ва прокурорга нисбатан талабчанлик қилинарди. Партия йиғилишлари ва касаба союз комитетининг мажлислари ҳам бўлиб турар, ҳамма жойда ягона тарбия кунлари ёки идеология планеркалари ўтказилар, ўртоқлик судлари бирон иш қиларди. Халқ дружинаси навбатчилигини мунтазам барбод этганлик учун район партия комитети бюросида жавоб беришарди. Мен ўша чоралар барча бало-қазолардан қутқарадиган восита деб асло ҳисобламоқчи эмасман, уларнинг фойдали иш коэффициенти унча юқори бўлмаганди. Аммо бу йўқдан кўра яхшироқ эди.

Ҳозир давр ҳам бошқа, ҳаракатлар ҳам бошқача бўлиши кераклиги шубҳасиз. Фалокатга қарши аниқ мақсадга қаратилган кураш программасининг йўқлиги, унга қарши ҳаракат қилмаслик бизни хатарли маррага яқинлаштириб қўймоқда.

Тарбиявий иш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари партия, совет органлари диққат марказидан ва муҳокама мавзуларидан батамом ғойиб бўлди, деб айтиш нотўғри бўлур эди. Аммо бу иш суст ва заиф олиб борилмоқда.

Аввало, шаҳар партия комитети бюроси ҳар ҳолда кейинги бир-бир ярим йил мобайнида талабчанликни бўшаштириб юборди. Бу нарса бошланғич бўғинларга ҳам таъсир қилди.

Бу йил масалан, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари 20 та жиноят ва 114 та ҳуқуқбузарлик қилдилар, шу жумладан корхонанинг ўзида 5 та жиноят содир этилди; «ТТЗ» бирлашмасининг ишчилари 10 та жиноят, 33 та ҳуқуқбузарлик, бирлашманинг ўзида 3 та жиноят қилдилар. Аммо, бу фактлар партия комитетларини, бошқа органларни, мазкур корхоналарнинг жамоат ташкилотларини унча ташвишга солмади.

1988—1989 йиллар мобайнида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, тартиббузарларга қарши кураш масалалари ана шу корхоналар партия комитетларининг мажлисларида бирон марта ҳам кўриб чиқилмади.

Шаҳардаги бошқа кўпгина корхоналарда ҳам худди шундай муносабат таркиб топмоқда.

Жиноятчиликни рак шишига ўхшатишаётганлиги бежиз эмас. Барча мавжуд воситалар ва имкониятлардан фойдаланиб, жамият комплекс равишда «даволанмас» экан, касаллик бундан буён ҳам авж олиб кетаверади.

Келинг, буни район партия комитетидагилар қанчалик чуқур англашаётганига бир назар ташлайлик. Мисол учун Фрунзе районини олиб кўрамиз. Бу районда жиноятчиликнинг ўсиш суръати энг юқоридир. Район партия комитети хавф-хатарга баҳо бериб, партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, жамоат ташкилотларининг, комсомол, касаба союзларининг, ўртоқлик судларининг, хотин-қизлар кенгашлари, меҳнат коллективлари кенгашларининг хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириб, район активларининг бутун кучини жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик каби социал иллатга қарши курашга сафарбар этади, деб ўйлаш мантиқий бўлур эди. Бунинг устига район ижроия комитетлари ҳузурида ҳам, касаба союз, комсомол ташкилотлари ҳузурида ҳам, меҳнат коллективларида ҳам турли комиссиялар, кенгашлар, бошқа уюшмалар шу қадар кўп ташкил этилганки, ҳаммасини санаб ўтишнинг иложи йўқ. Агар улар мувофиқлаштирилса жуда катта кучга айланади.

Бироқ бундай бўлмади. Бу ҳам етмагандек, районда жиноятчилик йил сайин кўпайиб бораётган бир пайтда район партия комитети бюроси бу масалаларга тобора камроқ эътибор бермоқда.

Чунончи, мана шу масалалар тарқоқ, системасиз ҳолда бўлсада, 1987 йилда 10 марта кўриб чиқилган бўлса, 1988 йилда атиги 4 марта кўриб чиқилди. Район жиноятчилик ўсишида рекорд суръатга эришган бу йил эса унга қарши кураш масалалари бирон марта ҳам муҳокама қилинмади! Натижада «қўйчивон кўп бўлса қўй ҳаром ўлар» дейишганидек бўлди. Яна такрор айтмоқчиманки, жиноятчиликнинг ўсишини мажлисларнинг ўзигагина бевосита боғлаш нотўғри, бироқ кескинликни камайтиришга, талабчанликка таъсир қилаётганлиги факт бўлиб, бу ҳол бошланғич бўғинларга ҳам ўтмоқда. Фрунзе райони намуна сифатида олинди. Кўпчилик районлардаги вазият ҳам худди шундай.

Меҳнат, ижрочилик, план, давлат интизоми сезиларли равишда бўшашиб кетди. Буни иқтисодий мустақиллик билан оқлаб бўлмайди. Аксинча, бундай мустақиллик шайликни, ўзаро масъулият ва талабчанликни, энг муҳими эса барча моддий бойликларнинг ниҳоятда тежалишини тақозо этади.

Баъзи хўжалик раҳбарларида эса мустақиллик тўғрисида тескари тасаввур вужудга келган — истаган нарсасини ўнг-сўлига қарамай тарқатаверишади, ким нимани олиб кетаётганини асло кўрмайди. Қандайдир чексиз торт-тортчиликдан бошқа нарса эмас.

«Тошкентпиво» комбинатида, упа-эликлар фабрикасида, тўқимачилик комбинатида, тамаки фабрикасида ғаразли жиноятлар аниқланди. «Госкино» ремонт-қурилиш бошқармасида, ёш математиклар ва физиклар республика мактаб-интернатида, «Средазспецстрой» трестининг 1-ихтисослаштирилган кўчма механизациялаштирилган колоннасида катта ўғирликлар фош қилинди. Кейинги бир ярим йил мобайнида 2000 тадан кўпроқ шундай ҳоллар очиб ташланди. Талон-тарож қилган кишилардан 3 миллион сўмдан кўпроқ пул мусодара қилинди.

«Ташхладокомбинат»да, нон заводларида, «Ташплодоовощпром»да талон-тарож қилиш ҳоллари амалда тўхтамаяпти.

Хўжалик ходимларининг ҳаракат қилмасликлари, бепарволиги, масъулиятсизлиги жиноятлар учун шароит яратмоқда. Хом ашёни, тайёр маҳсулотни сақлаш тўғрисида ҳеч қандай жон куйдирилмаяпти.

Милиция, прокуратура сигналларига меҳнат коллективларида қандай эътибор берилмоқда? Ҳеч қандай эътибор берилмаяпти. Қонунбузарнинг тушига ҳам кирмаган қаттиқ чоралар кўрилди, деган хабарлар юбориб туриладиган ҳоллар ҳам бўлади.

Социалистик мулкни талон-тарож этувчилар тобора сурбетлик билан ошкора ҳаракат қилмоқдалар. 28 март куни 1-тегирмон заводининг ходимлари — мастер Михайлов билан қоровул Алимов шофер Сатторовни ёллаб унинг КамАЗ машинасига олий навли 10 тонна ун ортишди ва Сариоғоч районидаги магазинга олиб боришди, уннинг давлат қиймати 4300 сўм бўлгани ҳолда улар сотувчи Степановадан 3900 сўм пул олишди.

(Давоми 2- ва 3-бетларда).

**Абитуриент—89**

# ОШКОРАЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯ МУҲИТИДА

**Пойтахт олий ўқув юртларида ҳозир айни қизғин дамлар: кириш имтиҳонлари давом этяпти. Кимларнингдир эзгу орзулари амалга ошмоқда, кимларнингдир, афсуски орзулари саробга айланяпти...**

**Олий ўқув юртларининг қабул комиссиялари студентларнинг авлоди ҳақиқатан ҳам муносиб бўлиши учун бу йил ҳар қачонгидан кўп куч-ғайрат сарфлади, қабул вақтида ҳар қандай адолатсизликнинг олдини олиш ташвишини кўриб қўйди. Шикоят комиссиялари, бошқа жамоатчи назорат уюшмалари ана шу мақсадда иш олиб боряпти.**

**«Оқшом» газетаси яқинда ТошДУ қабул комиссиясининг иши ҳақида ҳикоя қилган эди. Бугун репортажни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтидан олиб борамиз. Биз бундан буён ҳам «Абитуриент—89» рубрикаси остида пойтахт олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари қандай бораётгани ҳақида ҳикоя қилиб борамиз.**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти абитуриентларни меҳмондўстлик билан, самимий кутиб олмоқда. Институтга қадам ранжида қилган киши буни дарҳол ҳис этади. Стендлар барча саккиз факультет ва шу ерда эгаллаш мумкин бўлган ихтисосликлар ҳақида ҳикоя қилади, қабул қоидалари, имтиҳонлар ҳақида, шикоят комиссияси ва ишга жойлаштириш штабининг фаолияти ҳақида кенг ахборотлар ўрин олган «Ўзингни текшириб кўр» стенди олдида абитуриентлар гавжум. Улар математика бўйича ёзма ишларни қандай ёзганликларини текширишяпти. Кимдир хафа, кимдир қувончини яширолмайди: «Биринчи имтиҳондан ўтдим!» Шу нарса диққатга сазоворки, олинган баҳолар имтиҳоннинг эртаси куниёқ стендда пайдо бўлаяпти. Сурхондарё областидан келган Абсаид Қамбаров физикадан аъло баҳо олибди. Бу тасодифий эмас. У бир неча марта район олимпиадаларининг совриндори бўлган. Аввалига у ТошДУнинг физика факультетига ўқишга кирмоқчи эди, аммо кейинчалик фикрини ўзгартирди, гидромелиорацияни танлади. У ўзи яшаётган ўлка учун бу ихтисослик муҳимроқ, деган фикрга келди. Ҳозирча аъло баҳо олган биргина Абсаиддир. Совет Армияси сафида хизматни тугатиб институтга келган Муродбой Шарифбоев ҳам ўзининг «яхши» баҳосидан мамнун.

— Навбатдаги имтиҳон қайси фандан? — сўраймиз ундан.

— Математикадан.

— Ўз кучингга ишонасанми?

— Ҳа, — иккиланмай жавоб беради у. — Ажабланарлиси шундаки, биз абитуриентлар мазкур олий ўқув юртида ўзимизни қадрдон мактабимиздагидек ҳис этаяпмиз, — қўшимча қилади у. — Ҳамманинг муносабати самимий, барча саволларимизга жавоб беришга тайёр. Ошхоналар ишлаб турибди, имтиҳонлар ўтаётган ҳар бир қаватда газ-сув автоматлари турибди. Ҳеч ким ҳовлиқмайди. Имтиҳонларни қабул қиладиган педагоглар билан олдиндан танишиб олганлигимиз ишонч уйғотади.

Муродбойнинг фикрини 70-мактабнинг битирувчиси, ҳозиргина математикадан ёзма ишни топшириб чиққан Тўлқин Ҳамдамов қўллаб-қувватлайди.

— Жуда ҳаяжонланаяпман. Аммо институтда вужудга келтирилган самимий вазият фикрни бир ерга жамлашга ёрдам беради, ўз кучингга ишонч ҳосил бўлади, — дейди у. — Имтиҳонда бутун билимингни намойиш этишинг мумкин.

Ҳа, бу ерда студентларнинг янги авлодини қабул қилишга яхши тайёргарлик кўрилганлиги сезилиб турибди. Қуръа тўғри ҳовлининг ўзида, илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари техника фанлари номзоди Надежда Петровна Тогунова, сиртқи таълим бўйича проректор геология-минералогия фанлари доктори Саттор Ибодуллаевич Ибодуллаевларнинг бевосита иштирокида ташланяпти. Группаларнинг вакиллари дарҳол имтиҳон қайси аудиторияда ўтишини, қайси вариант ёзилишини эълон қилишмоқда. Ҳамма нарсанинг пухта ўйланганлиги сезилиб турибди. Баҳсли саволлар пайдо бўлган вақтларда абитуриентлар шикоят комиссиясига мурожаат этишлари мумкин. Мазкур комиссия таркибига студентларнинг вакиллари байналминалчи жангчилар ҳам кирган. Шу ернинг ўзида ёзган ёзма ишингни кўрсатишади, нима учун у ёки бу баҳо қўйилганлигини ишонарли тарзда тушунтириб беришади. Ҳозирча 1441 абитуриентдан атиги 10 нафари ана шу ҳуқуқдан фойдаланди. Шулардан тўққиз нафари қўйилган баҳо тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди, бир абитуриентнинг икки баҳоси «уч»га тузатилди.

Жамоатчи қабул комиссиясининг аъзолари ҳам комиссия ишини назорат қилишади, унинг ишида иштирок этишади. Қабул комиссиясига барча факультетларнинг вакиллари кирган. Бу вакиллар йиғилишларда сайланган. Баҳсли масалалар юзасидан абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари ветеранлар кенгашига мурожаат этишлари мумкин.

— Бизнинг асосий вазифамиз олий ўқув юртига билимдон, танлаган ихтисослиги бўйича чўққиларга интилувчи ёшларни қабул қилинишига эришишдир. Айнан шундай ёшларни қабул қилиш мақсадида ўта даражада ошкоралик ва демократия муҳитини таъминлашга ҳаракат қилдик, — дейди Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ректори вазифасини бажарувчи иқтисод фанлари доктори Владимир Александрович Эм. — Қабул қоидалари, бу йил таркиби жиддий равишда янгиланган фанлар бўйича комиссияларимизнинг иши ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Уларда бўлажак студентлар мусобақалашиш принципи асосида қабул қилиниши назарда тутилган. Биз тасодифларнинг олдини олишга ҳаракат қилаяпмиз. Абитуриентларнинг билимларигина эмас, уларнинг гражданлик етуклиги, истеъдоди, танлаган ихтисослигига мойиллиги ҳам жиддий баҳоланмоқда.

Бу йил бизнинг бош олий ўқув юртимизга 1050 студент қабул қилинади. Ҳозирча тайёрлов бўлимини битирган 197 нафар йигит ва қиз, бизнинг экспериментал ўрта мактабимизни битириб, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган 186 нафар ёш студентлик билетини олиш ҳуқуқига эришди. Қолган 700 ўринга 2319 абитуриент даъвогарлик қилаяпти. Иқтисод ва сув хўжалигини ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетларида бир ўринга энг кўп — 4, 5 киши конкурсдан ўтаяпти. «Гидромелиорация» ихтисослигини танлаганлар ҳам кўп. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ихтисослигини эгаллаш учун бир ўринга уч киши конкурсдан ўтаяпти.

— Сиз экспериментал мактабни эслаб ўтдингиз? Ана шу ерда ўқувчиларни тайёрлаш нималар беради?

— Ушбу мактабни битираётганларнинг билими пухтароқ. Агар биз бўлажак барча студентларни шу мактабда ўқитиш имконига эга бўлганимизда мутахассисларни тайёрлаш сифати сезиларли даражада яхшиланган бўларди.

— Ҳа, мактабни битирганлар физика ва математикани яхшироқ билишади, — унинг фикрини қўллаб-қувватлайди физика кафедрасининг доценти, экспериментал мактаб ўқитувчиси Диля Ҳусамитдиновна Усмонова. — Мактабни битириб, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган Олим Пиримқулов, Андрей Жилников, Исломбек Жабборов, Собир Раҳимов ва бошқаларни бунга мисол келтириш мумкин.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида кириш имтиҳонлари давом этяпти. Имтиҳонларнинг биринчи тури 21 июлда тугайди. Ундан кейин иккинчи ва якунловчи — учинчи турлар бўлади. Шундан сўнг студентлик билетини олиш ҳуқуқига сазовор бўлганлар маълум бўлади. Институтга кириш имтиҳонларида тўпланган баллар сонига қараб қабул қилинади. Имтиҳонларнинг ҳаммаси — математикадан ёзма, физикадан оғзаки, рус тили ва адабиётидан ёзма барча факультетлар учун етакчи ҳисобланади ва улардан имтиҳонлар барча тилларда — ўзбек, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, қорақалпоқ, туркман тилларида қабул қилинмоқда.

Ўқишга киришда кимлар имтиёзлардан фойдаланади? Имтиҳонларда ижобий баҳо олган, ҳукумат белгилаган имтиёзлардан фойдаланувчи запасга бўшатилган ҳарбий хизматчилар, етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар конкурсдан ташқари қабул қилинади.

Баллар тенг келган ҳолларда сўнгги уч йил мобайнида запасга бўшатилган ҳарбий хизматчилар, танлаган ихтисослиги бўйича икки йилдан зиёд иш стажи бўлган абитуриентлар, математика ва физика бўйича олимпиадаларнинг қатнашчилари имтиёзга эга бўладилар.

**Н. ПАНЯКШИНА.**

**Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига топширилган аризалар ҳақида**
(1989 йил 16 июлгача бўлган маълумот)

| олий ўқув юртлари | 1989/90 ўқув йилига қабул плани | топширилган аризалар |
|---|---|---|
| Тошкент политехника институти | 4125 | 7861 |
| Тошкент автомобиль йўллари институти | 525 | 2530 |
| Тошкент халқ хўжалиги институти | 950 | 5444 |
| Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти | 850 | 2603 |
| Тошкент Давлат дорилфунуни | 2025 | 10230 |
| Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти | 800 | 2293 |
| Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти | 1975 | 9676 |
| Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти | 525 | 1412 |
| Тошкент Давлат медицина институти | 1375 | 5402 |
| Тошкент фармацевтика институти | 415 | 1216 |
| Тошкент медицина педиатрия институти (СаМПИ) | 675 | 2099 |
| Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти | 400 | 1852 |
| Тошкент Давлат маданият институти | 320 | 1256 |
| Тошкент Давлат консерваторияси | 114 | 269 |
| Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институти | 141 | 565 |
| Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти | 650 | 1268 |
| Тошкент алоқа электротехника институти | 625 | 872 |
| Тошкент қишлоқ хўжалиги институти | 750 | 2654 |
| Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти | 1325 | 2800 |

**ИЗОҲ:** олий ўқув юртларига қабул плани тайёрлов бўлимларининг битирувчилари, шунингдек мамлакатнинг марказий шаҳарларига конкурсдан ташқари қабул плани, иттифоқдош республикалар олий ўқув юртларининг кооперация плани ҳисобга олинмаган ҳолда белгиланган.

Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетининг қарори

## ЎРНИ БЎШАГАН ДЕПУТАТЛАР ЎРНИГА ЙИГИРМАНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА ҚЎШИМЧА САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 54-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарор қилади:

Ўрни бўшаган депутатлар ўрнига 325 ва 351-сайлов округлари бўйича Тошкент шаҳар Совети депутатлари сайлови 1989 йил 20 август — якшанба кунига тайинлансин.

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси учун Қ. СОЛИҲОВ.**

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари В. МАНАСТИРЕТСКАЯ.**

*Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг III пленуми*

# ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ВА ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

**(Охири. Боши 1 ва 2-бетларда).**

нинг принципиал жазоланишига эришишлари лозим. Жиноятларнинг содир этилишига замин бўлмиш ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг ўсишига қисман соғлиқни сақлаш ташкилотлари ҳам айбдордир. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби ижтимоий иллатларга қарши фаол курашиш улар фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Бу ишни юқори савияга кўтариш керак. Шу хилдаги ишлар олиб борилаётган барча партия ташкилотларида тадбирларнинг, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан доимий назорат йўлга қўйилиши керак.

Запасдаги ҳарбийлардан, айниқса Афғонистонда хизмат қилиб қайтган жангчилардан милицияга ёрдам ишчи отрядлари, оператив комсомол отрядлари, ижтимоий уюшмалар оператив равишда, сидқидилдан, сифатли тайёрланиши юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш керак. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ички ишлар органларига нималар билан ёрдам бера олишини аниқлаб олиш керак.

Кўнгилли халқ дружиналарининг таянч пунктлари ва бошқа муассасалари ишини қайта қуриш талаб қилинади. Улар, тегишли иморатлар ҳақида гапириб ўтирмаймиз, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланган бўлишлари керак. Тартибни муҳофаза қилувчи жамоат уюшмаларини микрорайонларда, маҳаллаларда ҳам ташкил этиш лозим. Улар транспорт ва алоқа билан таъминланиши, участка инспектори раҳбарлигида соқчиликкина эмас, ҳаракатдаги группаларнинг тунги навбатчиликлари ҳам йўлга қўйилиши зарур.

Айрим объектларда (жамоат транспортида, вокзалда, аэропортда, бозорларда, универсамларда ва ҳоказо) навбатчилик қилиш учун жамоатчи уюшмаларнинг пухта тайёргарлик кўрган аъзоларидан махсус группаларни ташкил этиш лозим. Фоҳишабозликка, гиёҳвандликка қарши курашиш, бузуқхоналарни аниқлаш учун ҳам махсус группалар талаб қилинади.

Ҳуқуқ муҳофазаси органларининг партия ташкилотлари камчиликларни тугатиш, шахсий составни тарбиялаш ишларини такомиллаштиришга қаратилган яхлит тадбирлар комплексини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари лозим. Биринчи навбатда кадрлар билан ишлашга, айниқса уларнинг профессионал тайёргарлигига эътибор бериш керак.

Жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ муҳофазаси органларининг фаолияти масалалари маҳаллий Советларнинг комиссиялари ва ижроия комитетларининг комиссиялари кун тартибидан доимий ўрин олиши керак. Улар ишнинг аҳволини оператив равишда кўриб чиқишлари, таҳлил этишлари, ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш йўлларини белгилашлари зарур. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ички ишлар бўлимларининг фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни пайсалга солмай ҳал этишлари, барча имкониятларни қидириб топишлари, бу ишга меҳнат коллективларини, жамоатчиликни жалб этишлари керак.

Ўз навбатида Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Тошкент шаҳри ҳуқуқ муҳофазаси органларининг ходимлари штат миқдорини пойтахт шаҳарлари бўйича умумиттифоқ кўрсаткичлари даражасигача кўпайтириш масаласини иттифоқ министрлиги олдига кўндаланг қўйиши, улардан биз ниҳоятда ортда қолиб кетганмиз, шаҳар ички ишлар органларининг моддий-техника базасини жиддий равишда мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Шаҳарда ўз кучимиз билан ҳам кўп ишларни бажаришимиз мумкин.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Министрлар Советига Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси учун ажратилган одамлар, моддий, техник ресурслар доирасидан келиб чиқиб ресурсларни, оператив вазиятни ҳисобга олган ҳолда милиция район бўлимларига тақсимлаш масаласини бошқарманинг ўзи ҳал этиши ҳақидаги тавсиянома билан мурожаат этсин, деган таклиф бор. Нима учун биз тажриба тариқасида, албатта, меҳнат коллективлари кенгашлари билан келишган ҳолда, махсус фондни ташкил этишни таклиф этолмаймиз. Ана шу фонд ҳисобидан участка инспекторларининг қўшимча штатларини ушлаш, айрим хизматларнинг, масалан, жиноят-қидирув ходимларининг маошини ошириш мумкин бўлар эди. Бизда шундай ҳам фондлар кўп, корхоналар турли эҳтиёжлар учун маблағлар ажратишади, деб эътироз билдиришлари мумкин. Аммо масаланинг кескинлигини ҳам тушуниш лозим.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари ҳамма ерда идеологик ва маданий-оммавий ишларни яхшилашга алоҳида эътибор беришлари, шахсни маънавий, ахлоқий, эстетик тарбиялашга барча воситаларни сафарбар этишлари, ҳуқуқ маданияти даражасини оширишлари лозим. Бунинг учун шаҳарликларнинг қизиқишларини, уларнинг маданият соҳасидаги, бўш вақтини ташкил этишдаги қондирилмаган эҳтиёжларини ўрганиш керак бўлади.

Театрлар, ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, музикачилар ижодий коллективлари билан меҳнат коллективлари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ўқув юртларининг студентлари ўртасидаги алоқа янада мустаҳкам бўлиши лозим. Қизиқишлар бўйича клублар, тўгараклар, спорт секциялари бўлиши керак. Истаган киши ана шу ерларда ўз истеъдодини намойиш этиши, ўзи учун ва бошқалар учун фойдали иш билан шуғулланиши мумкин бўларди.

Педагогик жамоатчилик ва ота-оналар биргаликда жиддий куч-ғайрат сарфлашлари, бир-бирлари томон амалий қадам қўйишлари зарур. Бизнинг долзарб вазифамиз оила ролини оширишдан, ота-оналар ва педагоглар куч-ғайратини бирлаштиришдан иборат.

Жиноятчиликка қарши курашда, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда кўпгина социал-иқтисодий масалаларни албатта ҳал этиш талаб қилинади. Ҳаммани ижтимоий-фойдали меҳнатга, ишга жалб этиш, юқори унумли меҳнат қилиши, унга адолатли ҳақ тўланиши, яхши ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитларни яратиш муҳимдир. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, раҳбарлик, партия, касаба союз ташкилотлари ходимларининг меҳнат ва маиший шароити ҳақида ғамхўрлик қилаётган, тартиб йўлга қўйилган жойларда хўжасизликка ўрин йўқ, бундай ерларда ҳуқуқ бузилишлари бўлмайди, бундай коллективларга бажонидил ишлагани боришади. Одамларни ишга худди шундай йўл билан жалб этиш керак.

Турли кўринишдаги эркин меҳнат ресурсларини аниқлаш ва фойдаланиш ҳам долзарб вазифалардан биридир. Бекорчилик, қаровсизлик кўпгина ҳуқуқ бузилишларининг сабабларидан биридир. Буни ҳам ҳисобга олиш керак. Шу муносабат билан текинхўрларни, дайдиларни ишлаб чиқаришга жалб этиш юзасидан муайян чора-тадбирларни кўриш керак бўлади. Ишга жойлаштириш бўлимларининг иши тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Кооперативларга кўп даражада эътибор бериш билан бирга алдамчиларга, очиқдан-очиқ чайқовчилик қилаётганларга, бу ҳаракатга суқилиб кирганларга қарши қатъий кураш олиб бориш керак.

Ҳуқуқ муҳофазаси органлари ходимларининг масъулияти ошишига эришиш лозим. Юксак масъулият социалистик қонунчиликка риоя қилиш устидан жуда қаттиқ назорат билан бирга қўшиб олиб борилмоғи керак. Ҳар қандай йўл қўйилган бузилишлар фавқулодда ҳодиса сифатида қаралмоғи лозим ва айбдорлар энг қаттиқ жазо олмоғи керак, бунда уларнинг эгаллаб турган вазифалари ва ўтмишдаги хизматлари эътиборга олинмаслиги даркор.

Ана шу шарт-шароитларнинг барчасини амалга оширган чоғдагина, жиноятчиликка қарши кураш ҳақиқатдан ҳам халқ фронтига айланган тақдирдагина, бу катта ва муҳим ишга жиноятчиликни очиш ва айбдорларни жазолаш эмас, балки, огоҳлантириш, қонун бузилишига йўл қўймаслик асос қилиб олингандагина муваффақиятга эришиш мумкин.

* * *

Шундан кейин пленум қатнашчилари докладни муҳокама қилишга киришдилар.

Шаҳар наркология диспансерининг бош врачи **Д. Х. Абдуллаева** ичкиликбозлик, заҳарвандлик ва гиёҳвандликка қарши кураш муаммолари тўғрисида сўзлаб берди. Сўнгги вақтда диспансерларнинг ишини яхшилаш юзасидан кўпгина тадбирлар кўрилди: беморларни даволаш учун бу ерда барча зарур нарсалар бор. Аммо қийинчиликлар ҳам етарли. Гиёҳвандларни даволаш бўлими тарқатиб юборилди. Гап шундаки, бу ерда қоровуллар бўлиши керак. Хотин-қизлардан иборат бўлган медицина ходимларининг хавфсизлигига ҳеч ким кафолат бера олмас эди. Наркодиспансер коллективи узоқ вақтдан буён ўсмирларни даволаш учун бўлинма очиш лозимлиги тўғрисидаги масалани кўтариб чиқмоқда. Шундай бўлинма бор. Аммо у руҳий касалликлар шифохонасидадир. Ўсмирлар эса у ерга боришни исташмаяпти, уларнинг ота-оналари ҳам бунга рози бўлишаётгани йўқ.

Сўнгги вақтда диспансер шаҳардаги меҳнат коллективларидан ёрдам олмаётгани ҳам коллективнинг ишини мураккаблаштирмоқда. Мисол тариқасида трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бирлашмаси тилга олинди. Бу ерда кўп киши ишлайди. Ҳар олти-етти вагон ҳайдовчисининг бири диспансерда ҳисобда туради. Мижозлар ўртасида раҳбарлар ҳам бор. Хўш, улар ўз қўл остидаги кишиларга нималарни билан ибрат бўлишаяпти? Коллективда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш амалда олиб борилаётгани йўқ. Иш жойида спиртли ичимликлар истеъмол қилингани учун 10, 20, 30 сўм жарима солинмоқда. Хўш, бундай жарималар билан кимга жазо беришаяпти? Оилани жазолашаяптими? Назоратни кучайтириш учун бошқармадагилар 25 шифокорни талаб қилмоқдалар. Ҳамонки, тарбиявий иш дуруст эмас экан, бу ёрдам берармикан?

Наркодиспансер беморлари орасида ёшлар кўплиги, айниқса, ташвишлантирмоқда. Биз шу хусусда ёрдам сўраб шаҳар комсомол комитетига мурожаат қилган эдик. Аммо уларнинг ҳам ташвишга тушишаётганини сезмадик.

Чилонзор район ижроия комитетининг раиси **О. Ж. Исмоилов**нинг фикрича, жиноятчилик ва тартиб бузилишининг олдини олишга қарши курашда эндиликда ўткинчи тадбирлар эмас, балки ишнинг янги, таъсирчан шакл ва услублари муҳимдир. Нотиқ райондаги оператив вазият мураккаблашгани учун район ижроия комитетининг айбини ошкора тан олиб, доимий ва пухта иш ўрнини бир гал бўладиган ҳисоботларни эшитиш ва муҳокама қилиш, жиноятчилик ва тартиб бузиш хусусидаги аҳволни бир марта таҳлил этиш эгаллаган эди, деб таъкидлади.

Эндиликда масалага муносабат ўзгармоқда. Ишнинг конкрет шакллари белгилаб олинди: биз район ижроия комитети нимани ҳал эта олади-ю, нимани ҳал этиши лозимлигини биламиз. Масалан, биз ҳуқуқ муҳофазаси органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал қилар эканмиз, район ички ишлар бўлими эҳтиёжларини тўла қондириш учун бюджетдан маблағ топа билдик.

Нотиқ ички ишлар органларига ёрдам бериш масалалари хусусида тўхталиб, жумладан, участка инспекторлари иштирокида ўз-ўзини бошқариш кенгашлари тузиш лозимлигини таъкидлади, бу кенгашлар мирорайондаги барча масалаларни ҳал этадилар. Иш манфаатларини кўзлаб, ана шу кенгашлар раислари лавозимини таъсис этадиган вақт келди. Участка инспекторларини хизмат хоналари билан таъминлаш ҳақида гапирадиган бўлсак, бундай хоналарни бунёд этиш янги микрорайонларни лойиҳалаштириш ва қуриш чоғидаёқ назарда тутилиши керак. Шундай қилсак, ижроия комитетлар учун ортиқча ташвиш пайдо бўлмайди.

Нотиқ Тошкентда жамоатчиликни ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга ва жиноятчиликка қарши курашга жалб этишнинг ўзига хос кўринишларини қидириб топиш лозим, деб таъкидлади. Мамлакатдаги бошқа шаҳарлар тажрибасини шунчаки тадбиқ этавермаслик керак.

Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси **Н. Ю. Бокарева** жиноятчиликнинг ўсиш сабаблари ҳақида куюниб гапирар экан, ички ишлар органларини шакллантириш, милиционерлар билан ишлашга оид ёндошувларни ўзгартиришга дахлдор таклифларни айтди. Унинг фикрича, ишчи отрядлари тузиш керак эмас, балки ана шу маблағлар эвазига ички ишлар органлари ходимларининг маошини кўриб чиқиш, милицияни барча зарур нарсалар билан таъминлаш ҳақида ўйлаш, шу мақсадда корхона ва ташкилотларнинг маблағларини жалб этиш керак. Н. Ю. Бокарева ҳуқуқ муҳофазаси органларидаги барча ходимларни аттестациядан ўтказишни таклиф қилди, кўнгилли халқ дружиналари тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласини кўтарди, очиқ суд мажлисларини тез-тез ўтказиб туриш, шаҳарни текинхўрлар, дайдилар ва фоҳишалардан тозалаш учун барча тадбирларни кўриш, ёшлар билан ишлашга ветеран коммунистларни жалб этиш керак. Хуллас, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш учун бир қанча тадбирларни ишлаб чиқиш, бу ишга шаҳар партия комитетининг аъзоларини жалб этиш зарур.

Октябрь район ички ишлар бўлимининг катта участка инспектори **П. А. Қосимов** ўз нутқида участка инспекторлари фаолиятидаги муаммоларга тўхталди. Уларнинг барчаси ҳам хизмат хоналарига, телефонларга, ўзлари хизмат қилаётган участкада квартираларга эга эмас. Шахсий автомобиллардан хизмат вазифасини бажариш учун фойдаланилмоқда, аммо харажатларнинг ўрни қопланмаяпти.

Жамоатчилик, жамоат уюшмалари билан ҳамжиҳатлик муаммо бўлиб турибди. Кўнгилли халқ дружиналари аъзоларининг навбатчиликка чиқиши кескин камайиб кетди. Айрим ташкилотлар, корхоналардан навбатчиликка хотин-қизлар ва пенсионерлар чиқишмоқда, ҳолбуки, уларнинг ўзини ҳимоя қилиш керак. Бу масалага жиддий қараш лозим бўлади. Масалан, «Матбуот» бирлашмаси кўнгилли халқ дружинаси сафида яхши тайёргарлик кўрган кишилар бор, улар ўз участкаларини ҳамиша айланиб юришибди, бу участкани яхши билишади ва ҳар қандай тартиб бузилишининг олдини олишга тайёрдирлар. Бошқа ташкилотларда ҳам иш худди ана шундай ташкил қилиниши керак. Агар участка инспектори ихтиёрида ҳар куни 20 чоғли ёрдамчи бўлса ва улар навбатчилик қилиб турсалар инспектор ўз участкасида тартиб ўрната олади.

П. А. Қосимов истиқомат жойларидаги профилактика кенгашларининг иши сустлигига эътиборни қаратди. Бу кенгашлар дурустроқ ёрдам бераётгани йўқ. Нотиқ ободонлаштириш ишидаги, жумладан кўчалар, хиёбонлар, ҳовлиларни ёритишдаги камчиликларни ҳам таъкидлаб ўтди, ушбу камчиликлар участка инспекторлари ишини қийинлаштирмоқда.

Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **В. Д. Ардатов** ҳаяжон билан нутқ сўзлади, ушбу нутқда пленумда муҳокама қилинаётган масала ишнинг умумий аҳволи, жумладан, партия ташкилотларидаги иш аҳволи билан чамбарчас боғланиб кетганлиги таъкидланди. Айрим жойларда партия ташкилотлари шошиб қолмоқдалар, маҳмаданалар, демократия ва ошкоралик деганда ўзбошимчалик ва анархияни тушунадиган кимсалар олдида ўз позицияларини бой бериб қўймоқдалар. Интизом сусайиб кетаётгани, бепарволик ва ўзибўларчилик кайфиятлари пайдо бўлаётгани ташвишлантирмоқда, айбдорлар эса партиявий жавобгарликка ҳам, интизомий жавобгарликка ҳам тортилишаётгани йўқ. Район партия комитетлари шаҳар комитетининг мададига суяниб, бошланғич партия ташкилотларига кўпроқ ёрдам ва мадад беришлари керак, шундай қилсаккина, биз коммунистларга ўз позицияларини белгилаб олишда ва бу позицияларни ҳимоя қилишда, аниқ мақсадни кўзлаб сиёсий-тарбиявий иш олиб боришда яхши ёрдам берган бўламиз.

Жиноятчилик ортгани учун ҳуқуқ муҳофазаси органларини танқид қилмоқдалар, жиноятчиликнинг ортиши бу органларни шошириб қўйганлиги таъкидланмоқда. Хўш, энди ички ишлар органлари қандай шароитда ишлашаётганига бир назар ташлайлик. Моддий-техника базаси яроқсиз, у чет мамлакатлар даражасидангина эмас, ҳатто жиноятчилар таъминоти даражасидан ҳам жуда орқададир. Ҳуқуқ муҳофазаси органлари учун ҳамма нарсани муҳайё этиб қўйиш, уларга квартиралар, транспорт, алоқа воситалари бериш лозим.

Кўнгилли халқ дружиналари хусусида ҳам яхшироқ ўйлаб кўриш керак. Ишчи отрядлари ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш отрядлари тузиш керак. Бу ўринда Ленининнинг: «Оз бўлсину соз бўлсин» деган сўзларига амал қилиш лозим. Кўнгилли халқ дружиналарини қайта тузиш етилган масаладир ва бу юмушни шаҳримизда амалга ошириш керак.

Маҳалла комитетлари ва уй-жой комитетларининг иш самараси ниҳоятда пастлигига диққат-эътиборни қаратган нотиқ ишлаб чиқариш-уй-жой микроучасткалари ташкил этиш, территориал партия ташкилотлари тузиш зарур, деб таъкидлади, бу ташкилотлар истиқомат жойларида ҳисобда турган коммунистлар билан бир қаторда ана шу районда яшаётган коммунистларни ҳам бирлаштириши лозим бўлур эди. Буларнинг ҳаммасини районда синаб кўриш мумкин.

Тошкентдаги 1-тажриба экспериментал механика заводининг кран машинисти **Т. А. Моисеенко** меҳнат коллективлари ички ишлар органларига ҳар жиҳатдан ёрдам беришлари лозимлиги ҳақида сўзлади. Штатларнинг чала-яримлиги, маошларнинг камлиги, иш шароитининг ёмонлиги, милиция ходимлари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилмаганлиги уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Агар ички ишлар органларини таъминлашга давлатнинг қурби етмаётган бўлса, корхоналар, ташкилотлар махсус шанбаликлар уюштириб ёки ўз маблағларидан ажратмалар бериб, бу ишни қилишлари мумкин. Завод коллективи хайрли ташаббус билан чиқди: икки уй-жой биноси қурилиши тугаганидан кейин корхона ётоқхонасининг бўшаб қолаётган биносини Куйбишев район ички ишлар бўлимига беришга қарор қилинди.

Т. А. Моисеенко тарбиявий ишнинг бўшашиб кетгани ҳақида гапирар экан, ота-оналарнинг болалар тарбияси учун, уларнинг одоб-аҳлоқи учун масъулияти сусайиб кетганлигини таъкидлади. У ташмачилар, ишга кеч қолувчиларнинг суратларини илиб қўйиш билан бир қаторда махсус стендларга тартиббузарларнинг ота-оналари суратини ҳам ёпиштириб қўйишни таклиф қилди.

Шаҳарда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жиноятчиликка қарши кураш ва тартиб бузилишининг олдини олишга қаратилган қарорлар қабул қилиш билан бир қаторда мазкур қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш, масъул ўртоқларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш керак, деб уқтирди нотиқ, чунки қарорлар қоғозда қолиб кетмаслиги лозим.

Ўзбекистон ССР прокурори **Д. А. Усатов** ўз нутқида ҳуқуқ муҳофазаси органларининг ходимлари, меҳнат коллективларининг раҳбарлари, меҳнаткашларнинг ҳаммаси ҳам ҳали муаммонинг муҳимлигини обдон уқиб олишгани йўқ, деб таъкидлади. Масалан, экономикани хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитларига ўтказиш айрим жойларда қонуннинг бузилишига олиб келди. Ўтган йили шаҳар саноати бир неча миллион сўмлик маҳсулотни кам ишлаб чиқарди. Афсуски, район прокуратураларининг ходимлари дурустроқ текширув ўтказмадилар. Назорат ва талабчанликнинг йўқлиги оқибатида шу йилнинг биринчи ярмида шаҳардаги ҳар беш корхонанинг бири маҳсулот етказиб бериш шартномаларини яна бажармади, корхоналар ва ташкилотларда қўшиб ёзишлар ва ўғирликларга, брак маҳсулот ишлаб чиқаришга чек қўйилмаган. Иш вақти бекор ўтмоқда. Ўтган йили шаҳар саноатида ўн минглаб ишчи куни исроф бўлди, уларнинг ярмидан кўпи прогул оқибатида беҳуда кетди.

Ана шундай нохуш аҳволга барҳам бериш учун тадбирларнинг аниқ мақсадга қаратилган системаси йўқ. Прокуратуранинг тақдимномалари ўша-ўша одамларга жўнатилмоқда. Огоҳлантириш системаси назорат қилинмаса ва амалга оширилмаса, самара бермайди. Ҳуқуқ муҳофазаси органларининг айрим ходимлари, нега энди биз экономика билан шуғулланишимиз керак экан, ахир жиноятчилик бостириб келмоқда-ку, демоқдалар. Экономикада интизомни мустаҳкамлаш товарлар ва хизматлар тақчиллигига тезроқ барҳам беришга ёрдамлашади, ҳозир тартиб бузиш учун негиз бўлган анчагина социал муаммоларни бартараф этади, юқоридаги гапни айтаётган одамлар ана шуни уқиб олмаётганга ўхшайдилар.

Ҳар бир меҳнат коллективи интизом тимсоли бўлиши керак. Бунинг учун меҳнат коллективларидаги жамоат уюшмаларини активлаштиришнинг барча омилларини ишга солиш, «Меҳнат коллективида биронта ҳам тартиб бузилиш ҳоллари бўлмасин», деган ҳаракатни авж олдириш керак.

Нутқда, жиноятчилик социал ҳодиса бўлиб, бу ҳодисада иқтисодий, социал ва сиёсий омиллар чирмашиб кетиши таъкидланди. Шу боисдан ҳам бутун масъулиятни ҳуқуқ муҳофазаси органларигагина юклаш адолатдан эмас. Ишдаги муваффақият куч-ғайратларни, муштарак ҳаракатларни бирлаштиришга боғлиқдир.

— Пленумда кўриб чиқилаётган масала шаҳар аҳлини ҳаяжонга солиб турибди, — деди Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг доценти, А. Тожиев номидаги маҳалла комитетининг раиси **Ш. Т. Темуров**. — Жиноятчиликнинг кўпаяётганлиги меҳнаткашларни ҳавотирлантирмоқда. Улар шаҳарда тартиб ўрнатилишини талаб қилмоқдалар. Бунинг учун ҳуқуқ муҳофазаси органлари фаолиятини тубдан қайта қуриш билан бир қаторда социалистик қонунчиликни бузувчиларга нисбатан жамоатчилик таъсир кучидан ҳам фойдаланиш керак.

Маҳалла комитетлари бу борада кўп иш қилмоқдалар. Маҳаллалардаги жиноятчилик шаҳардаги ўртача кўрсаткичдан икки-уч баробар камлиги бежиз эмас. Акмал Икромов районидаги маҳалла комитетлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш аҳоли ўртасида ҳуқуқ пропагандасига катта эътибор бермоқда. Барча маҳаллаларда район раҳбарлари, жумладан ҳуқуқ муҳофазаси органлари раҳбарлари билан учрашувлар бўлди.

Айни вақтда криминоген вазият бу ишни қатъият билан такомиллаштиришни талаб қилмоқда, ҳар бир маҳаллада участка инспектори бўлиши керак. Маҳаллаларда тўпланиб қолган социал муаммони ҳал этишни бундан буён ҳам пайсалга солавермаслик керак. Яшаш учун зарур шароитларнинг йўқлиги, социал адолатсизлик маҳаллалар аҳлининг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Сергели район партия комитетининг секретари **Б. В. Савченко** райондаги мураккаб оператив вазият ҳақида сўзлади. Аҳволни ва район ички ишлар бўлимидаги коммунистлар ишини таҳлил этиб, бу ерда район ички ишлар бўлими раҳбариятини ўзгартиришга қарор қилдилар, бу эса айрим ижобий натижалар берди: районда биронта жиноят содир қилинганлиги қайд этилмаган кунлар ҳам бўляпти. Лекин бу хотиржам бўлишга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам тартиб бузилишининг олдини олишга асосий эътибор берилмоқда. Гражданларнинг йиғинлари муттасил ўтказиляпти, турмуш, ободонлаштириш масалалари кўриб чиқилмоқда. Бу ишга меҳнат коллективлари ҳам бош қўшмоқдалар. Аммо ҳали ҳал бўлмаган масалалар жуда кўп. Шаҳар ҳуқуқ муҳофазаси органларининг раҳбарлари район бўғини ходимларига кўпроқ ёрдам беришлари, моддий-техника базаси, штатларни кўпайтиришга оид масалаларни ҳал этишлари керак.

Сергели районида қурилишлар ҳамон тўкис бўлаётгани йўқ, социал-маданий-маиший объектлар кам, шунинг учун ҳам аҳоли район раҳбарларини адолатли танқид қилмоқда. Нотиқ ана шу эски муаммолар ҳақида яна бир карра гапирар экан, буларнинг ҳал этилмаганлиги райондаги жиноятчилик ва ҳуқуқ бузиш ҳоллари даражасига таъсир этаётганлигини уқтирди.

Тошкентдаги экскаватор ремонти тажриба-механика заводининг йиғувчи слесари **Т. Расулов** кўпгина маънавий қадриятлар йўқолиб кетаётгани, айниқса ёшлар ана шундай фазилатлардан маҳрум бўлиб қолаётгани хусусида куюниб гапирди. Илгари ҳеч ким бир бурда нонни ҳам сўрамасдан олмас эди, ўғирлик катта гуноҳ саналарди.

Ҳозир пул кўп одамларни бузмоқда. Битта оддий мисолни айтиб ўтай: кўпгина автобусларда яна фақат олдинги эшик очилмоқда, ҳайдовчилар эса билет йиртмасдан беш тийинлик чақаларни йиғмоқдалар.

— Мен ўттиз йилдан бери заводда ишлаяпман, — деди Т. Расулов. — Шу давр мобайнида 150 нафар шогирдга ҳунар ўргатдим. Уларнинг кўпчилиги инженер, малакали мутахассислар бўлиб етишдилар. Лекин бир ғаройиб нарсани пайқаб қолдим. Менга шогирд тушганлар орасида педагоглар, раҳбарлар, сотувчиларнинг фарзандлари йўқ эди. Шогирдларим «оддий» оилаларнинг фарзандлари ёки болалар уйларида тарбия кўрган йигитчалар эди. Уларга ҳалол ишлаш ва яшашни ўргатдим. Ростини айтсам, кейинги вақтда заводга киргим келмай қолди. Не-не машаққат билан бир йигитга ҳунар ўтгатасан, у эса кооперативга ўтиб кетади, кўпроқ маош топишга ҳаракат қилади.

Кўнгилли халқ дружиначилари ишига ҳеч ким эътибор бермаяпти, деди нотиқ. Илгари уларнинг ишини назорат қилишарди, участка инспекторлари дружиначиларга иш ўргатишарди. Ҳозир навбатчиликка келиб баъзан инспекторни ҳам топа олмайсан.

«Зенит» заводининг директори **А. А. Юсупов** конкрет таклифларни илгари сурди. Бу таклифлар коллективда муҳокама қилинган. Ишчиларнинг фикрича, телевидениенинг бир программаси орқали суд мажлисларини кўрсатиш мақбул бўлур эди. Бир томондан, бу ҳуқуқ ташвиқотига ёрдам беради. Иккинчи жиҳатдан эса кимки тартибни бузса, жазоланишини яққол кўрсатади. Бундан ташқари, ана шундай мажлислар ҳуқуқ муҳофазаси органлари фаолияти устидан ўзига яраша назорат ҳамдир.

Кўнгилли халқ дружиначиларига муносабатни қайта кўриб чиқиш керак, бунинг учун уларга имтиёзлар бериш, жамоат тартибини муҳофаза этишларини рағбатлантириш лозим. Гавжум жойларда мириқиб маданий дам олиш учун барча шароитларни яратиш, энг яхши биноларда эса мактаб ўқувчилари ва болаларнинг саройлари ва пионерлар уйларини очиш керак.

Ички ишлар органлари шаънига аниқ танқидий мулоҳазалар айтилди: давлат инспекцияси ходимлари ҳар бир чорраҳада туришгандек туюлади, ҳамонки шундай экан, нега энди шаҳарда йўл устида транспорт ҳодисалари содир бўлиб турибди.

Корхона раҳбари завод коллективининг милицияга ёрдами хусусида гапириб шу яқин орада автомобилларни ўғирлаб кетишга йўл қўймайдиган воситалар ишлаб чиқаришга киришилишини айтди.

— Кун тартибига киритилган масала шаҳар партия комитетининг пленумида биринчи бор муҳокама қилинмоқда, — деди Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи **В. Ф. Клапушевский**. — Ваҳима кўтармасдан шуни айтишим керакки, кейинги 20 йил мобайнида шаҳарда жиноятчилик бу қадар кўп бўлмаган эди. Жиноятчилик уюшган жиноятчилик тусини олмоқда.

Ички ишлар бошқармаси ходимлари зиммасидан масъулиятни сира соқит қилмай нотиқ пленум қатнашчилари диққат-эътиборини қуйидагиларга қаратди: тартиббузарларга муносабатдаги инсонпарварлик интизомни мустаҳкамлаш билан бир вақтда бўлаётгани йўқ. Оқибатда қамаш учун прокурор санкцияси олинмагани ёки халқ судларининг қарори билан одамлар озодликда юрибди, бунинг устига улар яна тартибни бузмоқдалар ёки жиноят содир этмоқдалар.

Давлат мулки ва шахсий мулкни асрашга батамом бефарқлик ҳам жиноят содир қилинишига ёрдам бермоқда. Кўпгина корхоналар ва ташкилотлар техникавий жиҳатдан жиҳозланмаган, қоровуллар йўқ, сигнализация ҳам йўқ. Айрим ташкилотларнинг раҳбарлари касса биноларини марказлаштирилган тартибда қўриқлашга ўтказиш тўғрисидаги таклифларни рад этмоқдалар. Аммо раҳбарларни ҳеч ким тергаб қўяётгани йўқ. Бегона одамлар суқулиб кирмаслиги учун квартираларни, йўлакларни сигнализация воситалари билан таъминлаш иши аслида тўхтаб қолган.

Иш учун шароит яратиб бериш энг муҳим масаладир. Милиционер касби обрў-эътиборини йўқотди. Кўпчилик органлардан кетиб қолмоқда. Гражданларнинг милицияга муносабати ўзгаргани ҳам бунга ёрдам бермоқда. Улар баъзан жиноятчилар милиционерларни урибсўкишаётганини кўра-била туриб томошабин бўлиб қолмоқдалар. Ҳозир жабрланган киши ёки гувоҳдан гувоҳлик беринг деб ялиниб-ёлворгандан кўра ўғрини тутиб келиш осонроқ бўлиб қолди.

Камсонли группалар турли жиноятларга қарши самарали кураш олиб бора олмайди. Масалан, Ленинградда чўнтак ўғриларини тутиш билан 500 киши, Тошкентда эса 38 киши банд. Натижа ҳам шунга яраша. СПИД ва таносил касалликларига қарши курашадиган махсус отряд очиш ҳақида ўйлаб кўриш керак, бу отряд фоҳишалар ва бесоқоллар билан шуғулланган бўлур эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасида одамлар ва моддий ресурслар ниҳоятда тақчил бўлиб турибди, бу масала билан жиддий шуғулланиш керак. Ҳозир патруль-соқчилик хизматида неча юзлаб ходимлар ва оператив хизматчилар етишмай турибди. Шаҳарда милиция учун ўнлаб автомобиллар етишмай турган экан, борлари ҳам, масалан, ўтган ойда ёнилғи-мойлаш материаллари билан бор-йўғи 38 процент таъминланган экан, ишнинг самараси ҳақида гапиришга ҳожат борми?

Меҳнат коллективлари ёрдам беришлари, моддий ресурслар ва одамларни ажратишлари керак. Ушбу коллективлар вазиятнинг нечоғли мураккаб бўлиб турганлигини тўғри уқиб олишлари керак.

ТошДУ ўқитувчиси, Ҳамза районидаги маҳалла комитетлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси **Н. Ҳасанов** ўз нутқини В. И. Ленининнинг «Биз ўз вазифаларимизни кечагидан аниқроқ, конкретроқ, равшанроқ биламиз; биз ўз хатоларимизни тузатиш учун уларни очиқ кўрсатишдан қўрқмаймиз», — деган сўзлари билан бошлади. Докладдан ва нутқлардан шу нарса равшан бўлдики, аҳволни ўнглаб олиш учун туб тадбирлар кўрилиши керак. Аммо ҳали ҳам сўз билан ишимиз бир бўлаётгани йўқ. Масалан, трактор заводидаги маълум воқеалардан кейин ётоқхоналарда яшаётган ёш ишчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун тадбирлар белгиланган эди. Аммо бу тадбирлар ниҳоятда суст бажарилмоқда ва шу боисдан ёшлар норози бўлишмоқда.

Нотиқнинг фикрича, норасмий бирлашмаларга муносабатни қайта кўриб чиқиш, улар билан ҳамкорлик қилиш зарур.

Н. Ҳасанов Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтди.

Чилонзор район уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раисининг ўринбосари **А. Д. Волошин** нутқи жуда кескин бўлди, у жиноятчиликка қарши курашда фавқулодда чоралар кўришни талаб қилди, жиноятчилар ва тартиббузарларни қаттиқ жазолашни қўллаб-қувватлаб гапирди. Айни вақтда милиция, жумладан, участка инспекторларининг ўрни ва обрўсини ошириш учун барча тадбирларни кўриш лозим. Бунинг учун маблағни аямаслик керак.

10-қурилиш бошқармасининг электр пайвандчиси **Я. Г. Сафин** пленум қатнашчилари, шаҳар ижроия комитети ва ҳуқуқ муҳофазаси органлари раҳбарларининг диққат-эътиборини Октябрь район халқ суди биносининг ночор аҳволда эканлигига қаратди.

Нотиқ савдо корхоналари фаолияти устидан ишчи назоратини кучайтириш лозим, деб уқтирди. Бу ерда очиқдан-очиқ ёки хуфёна чайқовчилик авж олган.

Октябрь район халқ суди раиси **К. Х. Тошматов** Я. Г. Сафин фикр-мулоҳазаларини тўлдириб, нормал ишлаш учун судда сира шароит йўқлигини айтди. Суд биносининг ўзида судланувчиларни қўриқлаш учун шароит йўқ экан, кўчма мажлислар ҳақида гапиришга ҳожат бормикан?

К. Х. Тошматов айрим раҳбарлар халқ маслаҳатчиларига ўз вазифаларини бажаришларига халал бериб, қонун талабларини бузишаётганлигини таъкидлади. Халқ маслаҳатчиларини ишдан ҳоли қилиб қўйишмаётганлиги сабабли суд мажлислари кўчирилмоқда. Ишни ҳал этиш сурилмоқда. Қонунни бузаётган ана шундай раҳбарларни қаттиқроқ тергаб қўйиш керак.

* * *

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

